

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 10 (11.071)

Баҳоси эркин нарҳда

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.** Унда комиссиянинг 2007 йилги ишлари якунлари кўриб чиқилди ва 2008 йилги ишлар режаси тасдиқланди.

● **Ўтган йили январь ойидан Самарқанд «СамАвто» заводи ўз фаолиятини бошлаб, бу ерда «Исузу» русумли автобус ва юк автомобилларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.** Таъкидлаш керакки, ушбу қулай автобуслар қўшни мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Хусусан, ўтган йили 10 та автобус Қозғоғистонга, 100 тадан зиёди Озарбойжонга юборилган. Бу йил эса МДХ давлатларидан 500 тадан зиёд автомобиль харид қилиш бўйича буюртмалар тушди.

● **Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи дехқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарорига биноан «Охангаронцемент» очик акциядорлик жамияти уй шароитида чорвачилик билан шуғулланиш истагида бўлганлардан 40 нафарига қорамолларни бўрдоқига боқиш учун қулай шарт-шароит яратди.**

● **Фарғона шаҳрида «FarBaytexnoteks» Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой қўшма корхонаси иш бошлади.** Пиллани қайта ишлашга ихтисослашган мазкур корхонада жаҳон андозларида мос, сифатли маҳсулотлар тайёрланмоқда. Қўшма корхонада бир йилда ўртача 90 тонна ипак ишлаб чиқарилади.

● **Тошкентда гастроэнтерологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.** Ушбу тадбирда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари билан бир қаторда Украинадан келган мутахассислар ҳам қатнашди.

● **Фарғона шаҳрида спорт жиҳозлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг кўргазмали семинари ташкил этилди.** Унда водий виллоятларида фаолият кўрсатаётган корхоналар, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотларини намойиш этди.

● **Андижон вилояти Шахрихон туманидаги «Шахрихонсой» хусусий савдо фирмаси «Жамкорбанк» акционерлик-тижорат банки билан ҳамкорликда кредитга товарлар сойтиши йўлга қўйди.** Қувонарли томони шундаки, таклиф этилаётган товарлар ўзимизда ишлаб чиқарилган бўлиб, сифати ва арзонлиги билан ажралиб туради.

● **Янги йилнинг дастлабки кунларида «Шарқ зиёкори» жамоаси ташаббуси билан Олтиарқ туманида китоб савдоси маркази иш бошлади.** Пештахталардан «Шарқ зиёкори» ноширлари томонидан чоп этилган 300 дан зиёд турдаги бадиий, илмий-оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалари жой олган.

● **Жиззах Отчопарида қадимий миллий ўйин — кўпкери бўйича анъанавий вилоят чемпионати бошланди.**

## ЖАҲОНДА

● **Кеча кейинги етти йил ичида илк бор Иерусалимда Яқин Шарқ минтақасида тинчликни таъминлаш мақсадида Фаластин ва Исроил давлатлари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.**

● **Атом энергияси бўйича Халқаро агентлик (МАГАТЭ) раҳбари Мухаммад Ал-Барадей агентликнинг Эрон билан яқин тўрт ҳафталик ҳамкорлик режаси ишлаб чиқилганлигини маълум қилди.**

● **Испания ҳукумати мамлакат парламентини тарқатиб юборди ва жорий йилнинг 9 март кунин парламент сайловлари ўтказилишини билдирди.**

● **Интерпол президенти Жанубий африкалик Жеки Селеби лавозимидан озод қилинди.** Халқаро полиция раҳбари ўз лавозимини сунистеъмом қилиш ва жиноий тўдалар билан тил бириктиришда айбланмоқда. Маълумотларга кўра, Селеби 2005 йилда Жанубий Африка Республикасида гневанд моддалар савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳ бошлиғи Глен Аглиоттидан 175,5 миң АҚШ долларини микдорда пора олган.

● **Кеча Афғонистон пойтахти Кобулдаги «Серена» ҳашаматли меҳмонхонасига қираверишда террорчи-камикадзенинг ўзини портлатиб юбориши натижасида олти киши ҳаётдан кўз юмди, 25 киши яраланди.**

● **Кеча Россиянинг Ставрополь ўлкаси ва Самара областида иккита беш қаватли уйларида мамий газнинг портлаши оқибатида вайронагарчиликлар рўй берди.** Хусусан, Ставрополь ўлкасининг Железноводск шаҳридаги кўп қаватли уйдаги портлаш олти кишининг ҳаётига зомин бўлган бўлса, Самаранинг Новокуйбишевск шаҳрида рўй берган портлашдан сўнг кучли ёнғин чиқиб, 7 киши тан жароҳатларини олган.

● **Франция ҳукумати мамлакат ҳудудларида генетик модификация қилинган дон маҳсулотлари экилишини тақиқлади.** Зеро, бундай дон маҳсулотларидан тайёрланган озиқ-овқатлар инсон саломатлигига салбий таъсир ўтказиши мутахассислар томонидан аниқланган.

● **Англияда дартс бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида россиялик Анастасия Добромислова ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олди.**

● **Хитойнинг Харбин шаҳрида муз ҳайкалчалар фестивали бўлиб ўтмоқда.** Мутахассисларнинг фикрича, муздан ясалган ноёб иншоотлар яна икки ой давомида сақланиши мумкин.

## САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганим муносабати билан менинг номимга хорижий давлатлар бошлиқлари, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат намояндаларидан, мамлакатимиздаги меҳнат жамоалари, кўплаб ватандошларимиздан табриклар келмоқда.

Чет эллардан келаётган қутловларни мен аввалдан ўзбекистоннинг бугунги ва эртанги тараққиётига катта ишонч, ҳуқуқий демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт куриш йўлидан қатъият билан бораётган, барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимизга чуқур ҳурмат-эҳтиром ифодаси сифатида қабул қиламан.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари орқали барча сайловчиларимизга, азиз юртдошларимизга менга кўрсатган юксак ишончи ва йўллаган табрикларини учун чин қалбимдан самимий миннатдорлик билдириб, ўзимнинг эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Ислон КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯЛАР МАСАЛАЛАРИ КОМПЛЕКСИНИНГ 2007 ЙИЛДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралда ўтган мажлисидаги «Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш — фаровон ҳаётимиз гаровидир» маърузасида ва ушбу йиғилиш баёнида белгиланган вазифаларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Бунда Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар комплексини соҳаларининг 2007 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари, ахборот-коммуникация технологияларининг вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида татбиқ этилишининг аҳоли, комплекс таркибига кирувчи идора ва ташкилотлар томонидан 2008 йилнинг биринчи чораги прогноз кўрсаткичларини бажариш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Хисобот даврида соҳа корхоналари томонидан ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, молиявий ва ижро интизомини қучайтириш, хизматлар турларини кўпайтириш, телекоммуникация тармоқлари ва ахборотлаштириш тизимларини модернизация қилиш ва ривожлантириш йўналишида амалий ишлар олиб борилди.

2007 йил натижалари бўйича Комплекс таркибига кирувчи соҳалар томонидан 906,49 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди, 2006 йилнинг шу давридагига нисбатан 145,4 фоизга ўсишга эришилди.

Йиллик экспорт режаси ортиги билан, яъни 120 фоиз бажарилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 284,01 миллиард сўм (218,47 миллион АҚШ доллари) ўзлаштирилиб, йиллик режа 163,5 фоизга удаланди. Бунда тўғридан-тўғри жалб қилинган чет эл инвестициялари улуши 94,4 фоизни, яъни 206,3 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишини янада чуқурлаштириш, Интернет тармоғида ахборот ресурсларини кўпайтиришни таъминлаш, электрон ҳужжат айланишини кенг йўлга қўйиш масалаларига алоҳида аҳамият бериш лозимлиги қайд этилди.

Йилгида мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш борасида олиб борилган ишлар таҳлил этилиб, келгусида бу йўналишда меъёрий-ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлашга, амалдаги қонунчилик талаблари бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, устувор давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, Комплекс таркибидagi идоралар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан кўрсатмалар берилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Уза)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

**БУГУНГИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ҲАР БИР КОРХОНА ЎЗ ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА ИНТИЛАР ЭКАН, ЭНГ АВВАЛО ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН МАҲСУЛОТ СИФАТИГА, РАҚОБАТБАРДОШЛИГИГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТАДИ.**



## Акциядорлик жамиятларида

## МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Негаки харидор талаби ва дидини ҳисобга олиб тайёрланган маҳсулотнинг бозори чакон бўлади. Ана шунини дилдан ҳис этган «Пойабзалчи» акциядорлик жамияти пойабзалчилари маҳсулоти ва модели оёқ кийимлари турларини яратишда сифатли хом ашё — табиий чармдан унумли фойдаланишмоқда.

1996 йилда 2-поябзал фабрикаси негизда ташкил этилган ушбу акциядорлик жамиятида бугунги кунда 100 нафардан зиёд ўз касбининг усталари фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда уларнинг изланишлари ва баракали меҳнатлари эвазига тайёрланаётган пойабзал моделларининг тури 50 хилдан ортиб кетди. Бу, албатта келгуси йилги ишларимизда, буюртмалар кўпайишида катта аҳамият касб этади. Мамлакатимиздаги кўплаб савдо, қурилиш ташкилотлари асосий буюртмачиларимиз сирасига қиради. Уларнинг буюртмаларини сифатли ва ўз вақтида тайёрлаб беришга интилашимиз.

Жорий йилда корхона тадбиркорлари пойабзал моделлари турини 60-70 хилга етказишни мўлжаллашган. Бу борада дизайнер-модельерлар меҳнати ва маҳоратидан фойдаланиш қўл келди. Шунингдек, мутахассислар «Моделлар» билан ҳам ҳамкорлик қилишга интилишмоқда.

Корхонанинг ўз фирма дўкони фаолият кўрсатиб, улардан харидорлар пойабзалларини устама нархларисиз харид қилишлари мумкин. Шунингдек, пойабзалчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган янги турдаги маҳсулотлар «Тошкент университети» «Олий бозорларида дўкони, «Ўзсаламандра» ва «Кибо» фирма дўконларида сотилмоқда.

Айни пайтда корхонада баҳорги ва ёзги оёқ кийимларининг харидориги ва замонавий турларини ишлаб чиқариш устида изланишлар олиб борилмоқда. Энг муҳими эса улар маҳаллий хом ашё — табиий чармдан тайёрланади.

## СУРАТЛАРДА: Дилдора Рашидова ва Хатиря Раззоқова илгор пойабзалчилардан саналади; Озода Камолова сифатга алоҳида эътибор қаратади.

Козим Ўлмасов олган суратлар



## МАДАНИЯТ, САНЪАТ, СПОРТ ФИДОЙИЛАРИ ШАРАФИГА

**2007 ЙИЛИ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА СПОРТ НАМОЯНДАЛАРИНИ ШАРАФЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ**

Ўзбекистон Маданияти ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлод қалби ва онгида эзгу гоёларни шакллантириш, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат, фидойиллик руҳида тарбиялашнинг муҳим шарти сифатида маданият, санъат ҳамда спорт ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Бу юртимизда кўплаб санъат қосоналари, маданият саройлари, мусика ва санъат йўналишидаги таълим масканларининг барпо этилишида, уларда фарзандларимизнинг иқтидори тўлиқ намоён бўлиши учун зарур шароит ва имкониятлар ярати берилганида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Ана шундай гамхўрлик натижасида ёш истеъодларимиз жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат оламида катта ютуқларга эришмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йиллар-

гит-қизлар учун чинакам гўзаллик ва маҳорат байрамга айланди. Айни пайтда бир қатор ҳамюртларимиз Жаҳон ва Осиё чемпионатлари, нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилдилар. Бокс бўйича жаҳон чемпиони Аббос Атоевнинг муваффақияти, футбол бўйича Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоасининг жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлгани бунинг далилидир.

Ўтган йил якунларига кўра Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри «Йилнинг энг фаол театри», «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси «Ўзбекистон ёш истеъодларининг кашфиётчиси» номинацияси бўйича ғолиб топилди.

Футбол бўйича Ўзбекистон «Байналмилал» ногиронлар жамоаси «Йилнинг энг кучли спорт жамоаси», «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси «Ёш спортчиларни қўллаб-қувватловчи энг фидойи жамғарма», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси «Йилнинг энг яхши маданият ва санъат тарғиботчиси» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Тантанали маросимда ғолибларга ўттизга яқин номинация бўйича диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта муסיқий дастур билан якунланди.

**Назозат УСМОНОВА, Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ, Ўза Мухбирлари.**

уштирилган тадбирда ушбу соҳани ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари, узум етиштирувчи боғbonлар билан алоқани янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

● **ТОШКЕНТ** билан биргаликда умумтехника билан юрти

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## Кечка сатрларда

● **КЕЧА** Чилонзор туман ҳокимлиги, «Фидокорлар» миллий демократик партияси туман кенгаши, Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг туман кенгаши каби бир қатор ташкилотлар

ҳамкорлигида шахримиздаги ҳарбий қисмда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган катта байрам тадбири бўлиб ўтди.

Куй-қўшиқлар янграган файзли даврада «Фидокорлар» миллий демократик партияси туман кенгаши томонидан юрт посбонларига эсдалик совғалари топширилди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги ҳарбий қисмда «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорлигида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган тадбир ва концерт дастури «Армиям — менинг таянчим» деб номланди.

● **ШАХРИМИЗДА** қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар ва иккилари иштирокида

# КУВАЙТ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

**КУВАЙТДАГИ ЭНГ НУФУЗЛИ НАШРЛАРДАН БИРИ — «АЛ-РАЙ» САҲИФАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА КУВАЙТ ЎРТАСИДАГИ ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАҚОЛА БОСИЛИБ ЧИҚДИ. У МАЗКУР ГАЗЕТА МУХБИРИ МАҲБУБ АЛ-АБДУЛЛАНИНГ ҚАЛАМИГА МАНСУБДИР.**

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2004 йили Кувейтга буюрган расмий ташири муҳим аҳамият касб этгани ҳамда мазкур ташир чотида имзоланган келишувлар икки давлат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликка замин қўйганлига алоҳида эътибор қаратилган.

«Таширдан сўнг идораларо делегациялар алмишаруви икки томонлама муносабатларнинг янада юқори босқичга кўтариш ҳамда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларни сезиларли даражада мустаҳкамлаш имконини берди», деб ёзади муаллиф.

Мақолада Кувейт Вазири раисининг раисининг ўринбосари, таъки ишлар вазири Мухаммад ас-Сабоҳ 2007 йилнинг июнида расмий ташир билан мамлакатимизга келгани ва ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан қабул қилинган қайд этилади. Учрашув чоғида икки томонлама муносабатларнинг кўп қирралари ва уларни янада ривожлантириш, шунингдек, халқаро ҳамда минтақавий муаммолар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Ўзбекистон Республикаси Таъки ишлар вазири билан Кувейт Республикаси Таъки ишлар вазири билан ўзаро муносабатларни сезиларли даражада мустаҳкамлаш имконини берди», деб ёзади муаллиф.

Мақолада Араб иқтисодий тараққиёт Кувейт жамағатисининг делегациясининг 2007 йил июлида Тошкентга келгани ҳамда мазкур делегация аъзолари ва Ўзбекистон вакиллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишга алоҳида эътибор қаратилган. «Томонлар республика иқтисодий-иқтисодий тараққиёт дастурининг устувор йўналишларини ҳаётиятга таъки этишда мазкур жамағатимизнинг қўллаш имконини бўлган йўлларини ҳамда икки мамлакат ўртасидаги сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини муҳокама этдилар. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ва мазкур жамағатга ўзаро ҳамкорликка оид қатор битимларни имзолаган бўлиб, бошқа лойиҳаларни техник ва иқтисодий жиҳатдан асослаш ишлари олиб борилаётган», деб ёзади муаллиф. Шу ўринда Кувейт расмий доиралари бошқа вакиллари таширлари муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган.

«Ал-Рай» мухбири таъки сиёсат масалаларига муносабат этиб, бир-бирини ўзаро тўғри тушунишни мавжудлиги, қатор муҳим халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан икки давлат раҳбариятининг қарашлари муштарак эканига эътибор қаратади. Шунингдек, мақолада Ўзбекистоннинг бошқа араб ва мусулмон давлатлари билан муносабатлари муваффақиятли ривожланиб бораётгани кайд этилади. «Тошкентнинг 2007 йилда Ислам маданияти поштакти, деб эълон қилиниши муносабати билан таъки қилинган конференцияда Ислам Конференцияси таъкиоти Бош котиби Акмалидин Эшон ўйли, Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амур Мусо, дунёнинг 30 дан ортик мамлакатларининг давлат ва жамоатчилик, илмий ва маданий доиралари вакиллари иштирок этдилар», деб ёзади муаллиф. Мақолада Ўзбекистоннинг маданий, илмий ва маънавий ҳаётига оид кенг қамровли бошқа маълумотлар ҳам газетхонлар эътиборига ҳавола қилинган.

«Жаҳон» АА  
Ал-Кувейт



«Ватанпарвар» ташкилотларида

## ЭНГ ИЛГОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**ОНА ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ТИНЧЛИК-ОСУДАЛИК, САҲАДЛАРИМИЗ ДАХЛСИЗЛИГИНИ КЎЗ ҚОРАЧИГДЕК САҚЛАШ ШУ ЮРТ ЎГЛОНЛАРИНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИДИР. ХУСУСУАН ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВДОЛНИНГ СОҒЛОМ, МАЪНАН ВА РУҲАН БАРКАМОЛ, МАРД ВА ЖАСУР, ЎЗ ТАРИХИ, ШОНЛИ ЙЎЛИ, БУЮК АҲДОДЛАРИ, МАДАНИЙ МЕРОСИ, АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАРИДАН ХАБАРДОР РУҲДА ТАРБИЯ ТОПИШЛАРИ, АЛБАТТА АСЛ ВАТАНПАРВАР, ЮРТ ФИДОЙИЛАРИНИ ВОЯГА ЕТКАЗАДИ.**

Куни кеча мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашида таъки байрам таъбири бўлиб ўтди. — Йил сайин анъананага айлиб бораётган «Ватан ҳимоячилари кўни»га бағишлаб ўтказилаётган «Оммавий ватанпарварлик таъбирлари»дан қўзланаётган асосий мақсад — ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда Ватанимизга нисбатан ҳурмат ҳиссиётларини шакллантириш, аҳоли, айниқса чақирқиқача бўлган ёшлар ва ҳарбий хизматдаги аскарларни Куролли Кучларда амалга оширилаётган ишлар билан таништириш ва жамиятда ҳарбийлик касбининг нуфузини оширишдан иборат, — дейди «Ватанпарвар» ташкилоти шаҳар кенгаши раҳбари Маҳид Умаров. — Режа асосида бир ой давомида «Нуроний», «Маҳалла» жамағатлари, ҳокимликлар, ИИБ, мудофаа бўлиmlари, «Камолот» ЕИХ, Халқ таълими каби бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан ватанпарварлик руҳидаги кечалар, суҳбатлар, учрашувлар, шу билан бирга спортнинг техник ва амалий турлари бўйича мусобақалар, ҳарбий қисмларга ҳамда музей ва зиёратгоҳларга таширлар уюштирилди. Бунда «Ватанпарвар»нинг бошланғич ташкилоти аъзолари, айниқса ёшлар, воёга етмаган ўсмирлар ва ҳарбий чақирилувчилар кенгрок қамраб олинди. «Менинг армиям — менинг таянчим», «Муштакил Ватанимиз Куролли Кучлари», «Ўзбекистон Куролли Кучлари — юрт тинчилиги ва ҳафсизлиги кафолатидир» каби таъбирлар

оркали ёшларга Ватанга муҳаббат, садоқатли бўлиш ҳамда уни қўриқлаш, куролли Кучлар сафида хизмат қилиш муқаддас бурч эканлиги тўғрисида асосий тушунар берилди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ташкилот 14 январь — Ватан ҳимоячилари кўнини ўзининг муносиб ҳиссаси билан кўтиб олди. Ташкилот тизимидаги ўқув муассасаларида ҳар йили Ўзбекистон Куролли Кучларига 225 нафар етуқ мутахассислар тайёрлаб берилмоқда. Ташкилот тасарруфидидаги ўқув-спорт-техника клублари қошидаги ҳарбий амалий аҳамиятга эга бўлган секция ва тўғаракларга жалб этилган ўсмир-ёшларнинг бу спорт турларига қизиқишлари уларнинг Ватанимизнинг етуқ, баркамол ҳимоячилари бўлиб етишишларига замин яратмоқда. «Ватанпарвар» ташкилоти спортчиларининг халқроқ мусобақалардаги натижаларини сарҳисоб этадиган бўлса, 2005-2007 йилларда қўлга киритилган медалларнинг умумий сони 166 тани таъки этиб, улардан 52 таси олтин, 71 таси кумуш, 43 таси бронза медалларини таъки этиди. Утган 2007 йилда эса спортчилар 20 та олтин, 20 та кумуш ва 18 та бронза медалларини қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Бунда албатта шаҳар Кенгаши спортчиларининг ҳам салмоқли улушлари бор. Улар орасида спортнинг кардинг, ёзги биатлон, ўқ отиш турлари бўйича Мария Филимонова, Фердавс Жумоев, Маргарита Абдужабборовна, Павел Растри-

гин, Жамол Мирҳосиловлар шаҳар ва республика чемпионлигига сазовор бўлганлар.

Таъбир давомида ташкилотнинг қайта реконструкция қилинган «Шонли Ватан тарихи» музейининг ҳам очилиш маросими бўлиб ўтди. Уч минг йиллик тарихимизни мазмунан қамраб олган бу музейда ташкилот тарихи ва унинг фаолияти тарихий даврларга бўлинди. Музей кейинги 2005-2007 йилларда ташкилот фаолиятида жумладан, спортда эришилган ютуқларни акс эттирувчи экспонатлар билан янада бойитилди.

Таъбирда шаҳар кенгаши томонидан «Энг малакали ўқув муассасаси раҳбари», «Энг илгор туман кенгаши раиси», «Энг илгор бошланғич ташкилот раҳбари», «Энг таъбиркор раҳбар», «Энг таъбирли усто» каби бир қатор номинациялар бўйича қўриқ-танловнинг шаҳар босқичи қолиблари ҳам таъкирланди. Уларга «Ватанпарвар» ташкилотининг Фаҳрий ёрлик ва қимматбахо совғалари топширилди. — Меҳнатларинг қадрланса, кўнглинг тоғдек кўтарилиб кетар экан, — дейди автокросс бўйича республика чемпиони, «Ватанпарвар» ташкилоти Чилонзор туман кенгаши раиси Астатилла Мадияров. — Кейинги иш фаолиятимда ҳам ёшларга бор куч ва ғайратини сарфлаган ҳолда сабоқ бераман.

Таъбир давомида иштирокчилар «Ватанпарвар» ташкилотининг спорт-ўқув техникалари, спортчиларининг эришган ютуқлари, тўғарак ва секцияларда тайёрланган ракета, авиамодел кўргазмалари билан ҳам ақиндан танишдилар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгашида бўлиб ўтган таъбирдан лавҳалар.**  
Максим Черногаев олган суратлар

# ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ҲАМДА КУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА**

Халқимиз истиқлол туфайли ўз миллий армиясига эга бўлди. Утган йиллар мобайнида замон талабларига мос миллий армиямиз шакллантирилди. Куролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш мамлакатимиз фуқаролари учун нафақат конституциявий бурч, айни пайтда том маънодаги шон-шараф ишига айланди. Бугун Ўзбекистон жанговар жиҳози ва тайёргарлиги юқори бўлган Куролли Кучларга эга давлатлар сафидан мустаҳкам жой олди.

Бу, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондонни Ислам Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригида таъкидланганидек, мамлакатимизда Куролли Кучларимизни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурга мувофиқ амалга оширилган, қўламини моҳиятига кўра улкан ишлар берган юксак самаралардир.

...14 январь. Қиш зийнати — оппоқ қорга бурканган Мустақиллик майдонида юртимиз посбонлари саф тортиди.

Майдонга Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавуқлодада вазири раисининг раисининг, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Давлат бошхона қўмитаси вакиллари — генерал ва офицерлар ташир буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳфияси янграйди.

Фаҳрий қоровул ҳарбий оркестр мусиқаси садоқати остида саф тортиб ўтади.

Давлатимиз раҳбарининг Фармонига кўра, Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўлаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар орден, медал ва фаҳрий унвонлар билан таъкирланди. Куни кеча уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

— II даражали «Шон-шараф» орденини қабул қилиб олар эканман, ҳарбийлик касбини танлаб адашганимни яна бир бор ҳис қилдим, — дейди мукофотланганлардан бири — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари бригадаси командири полковник Зафаров Мирзаҳамидов. — Биз, ҳарбийларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамқўрлиги учун Президентимиз Ислам Каримовдан миннатдоримиз.

Жасур КЕНГБОВЕВ,  
Ўза мухбири

## Таъбирлар

### ВАТАН — САҲДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

**ВАТАННИНГ ТИНЧ, ОСМОНЛИК МУСАФФО, ДАСТУРХОННИНГ ТЎКИН-СОЧИНЛИГИГА НИМА ЕТСИН. ҲАР КУНИНГ ОИЛАНГ ДАВРАСИДА, ДЎСТУ ЁРЛАР ОРАСИДА ШОДОНЛАКДА ЎТСА, БУНДАН ОРТИҚ БАХТ БОРМИ? БУ БАХТИНИ, ТЎКИСЛИГИ ХОТИРЖАМЛИКНИ ТАЪМИНЛАГУЧИ ЭР-ЙИГИТЛАР ОМОН БЎЛСИН, ДЕЯ ДУОГА ҚЎЛ ОЧАМИЗ. АСЛИДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИНИ ҲАР КУНИ ОЛҚИШЛА ТУРСАК АРЗИЙДИ.**

Куни кеча Тошкент ҳарбий округида Мирзо Улугбек туман Маънавият тарғибот маркази томонидан Ватан ҳимоячилари кўнига бағишланган таъбир ўтказилди. «Ватан — саҳдагоҳ каби муқаддасдир» шиори остида бўлиб ўтган ушбу кеча ҳарбийларга чинакам

байрам қайфиятини улашди. Тумандаги «Юлдуз», «Феруза», «Гулшан» маданият уйлари бадиий хаваскорлик жамоалари уларнинг кўй-қўлаш ва рақслари билан барчани ҳушнуд этишди. Мирзо Улугбек туман ҳокими ўринбосари Р. Ҳаджиев, ҳарбий қисм командири,

фаҳримиз, фаровон ҳаётимиз ва тинчлигимиз кафолатидир, — дейди туман Маънавият тарғибот маркази раҳбари Халима Жуманиезова. — Бу шодиёналар утадиган таъбирлар ва асосий халқнинг ишончи ҳарбий йиғитларга янада куч-ғайрат ва қатъият бағишлади.

Байрам таъбирида таниқли шoir ва ёзувчилар ҳарбийларга аталган ўз иход намуналари билан иштирок этишди.

Шоира БОЙМУРОДОВА

## Иқтисодиёт

### СИФАТ — АСОСИЙ МЕЗОН

**ИЧКИ БОЗОРИМИЗНИ ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ҲАМДА ФУҚАРОЛАРГА ИШ ЖОЙЛАРИ ЯРАТИШДА ХУСУСИЙ ТАЪБИРКОРЛАРИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАЛАРИ БОР. УЛАРИНИНГ ОРАСИДА ИЗЛАНУВЧАН, ТАШАБУСКОР РАҲБАР АБДУНОСИР ҚОСИМОВ БОШҚАРАётган ХУСУСИЙ ҚОРХОНА АЛОҲИДА АЖРАЛИБ ТУРАДИ.**

У бош бўлган «Denta-Fici-Plyus» хусусий қорхонасида ҳозирда 8 хил турдаги шампунь, косметик кремлар ва бошқа сифатли парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган. Жумладан, харидорлар тиш пастаси тайёрлаб (1 ойда 100 минг дондан ортик) мазкур қорхона 100 миллион сўмлик маҳсулотни буюртма асосида сотишга муваффақ бўлди. Бунда, албатта қорхона аҳлига цехларда ўрнатилган юксак умумли дастгоҳ, ускуна ва технологик линиялар ҳақиқий маддакор бўлмоқда.

Янги йилга тузилган шартномаларга кўра хусусий қорхона таъбиркорлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини кўтариб, тайёрлаётган товарларини бир неча баробарга кўпайтиришни эзгу мақсад қилишган. Бунинг учун жамоада барча имкониятлар етарли. Шу ўринда харидорлар маҳсулотлар турларини ошириш асосида буюртмалар қўламини кенгайтиришни ҳам режалардан жамоанинг иш фаолиятларида сифат асосий мезонлигини таъкидлаш жоиз.

### «ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН» ТАМҒАСИ БИЛАН

**«BURSEL TASHKENT TEXTILE LTD» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ ҲАҚИҚАТАН ҲАМ БУГУНГИ КУН ТАЛАБАРИ АСОСИДА, БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТГА МОСЛАШГАН ҲОЛДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАётгани БОИС ҲАМ ХАРИДОРЛАР ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНМОҚДА.**

Мазкур Ўзбекистон—Туркия қўшма қорхонасида ҳозирда 1500 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилиб, 500 хилдан ортик маддада қойилмақом бажарилган. Қувонарлики, «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган экологик тоза трикотаж маҳсулотларининг 90 фоизи Ҳамдўстлик давлатлари, АҚШ ҳамда Европага экспорт қилинмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

## Конунларимизни ўрганамиз

### ИНСОННИНГ ФУНДАМЕНТАЛ ҲУҚУҚЛАРИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН ВА ФУҚАРОНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИНИ БЕЛГИЛАШДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УСТУВОРЛИГИ, ДАВЛАТ БИЛАН ФУҚАРОНИНГ ЎЗARO СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ АЛОҚАДОРЛИГИ ҲАМДА МАСЪУЛЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИГА АСОСЛАНУВЧИ ТАМОМИЛА ЯНГИ КОНЦЕПЦИЯГА ТАЯНИЛГАНДИР.**

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов таъкидлаганларидек, «Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда жамий дунёвий неъматлар орасида энг улғуи—инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро—жамят» — давлат ўртасидаги ўзаро муносабатининг оқилона ҳуқуқий ечимини топшишга интилдик». Бундан кўриниб турибдики, ижтимоий-сиёсий ҳақда ҳуқуқий ҳаётда инсон (фуқаро) ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари устувор маънага эга бўлади.

Конституция инсон (фуқаро) билан давлатнинг ўзаро муносабатлари қўламини, ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига давлат аралашувининг чегараси ва характерини белгилаб берди. Энг муҳими — Конституция инсоннинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларига олий юридик мақом бахш этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланган иккинчи бўлими «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг» (1948 йил 10 декабрь) барча принцип ҳамда қоидаларига тўла-тўхис мувофиқдир.

Бир сўз билан айтганда, асосий Конунимизда мустаҳкамланган фуқаровий ҳуқуқ ва эркинликлар қўламини инсон ҳуқуқлари устуворлиги принципи конституциявий даражада акс эттирил-

ганлигининг ёрқин ифодасидир. Мамлакатимиз Конституциясининг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳуқуқига суиистеъмол қилиш энг оғир жиноятдир», деб белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, амалдаги конунларимизда инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига таллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлигини хавф остига қўядиган, асосиз равишда унга жазоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш, шунингдек, қонунда белгиланмаган тартибда ҳаётиндан маҳрум қилиш таъкидланган.

Президентимиз 2005 йилнинг 28 январь куни Олий Мажлис Кунуқчилик палатаси ҳамда Сенатнинг қўшма мажлисида суд-ҳуқуқ ислохотлари масаласига алоҳида эътибор бериб, прокуратура идораларининг санкция бериш ваколатини судларга ўтказиш кераклиги ҳақида фикр билдирдилар. Бунинг натижаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ваколатини судларга ўтказиш тўғрисида»-ги Фармонида асосан 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш вази-фаси судлар томонидан амалга оши-

рилиши белгилаб қўйилди.

Суд ҳокимияти инсон ҳуқуқларини ва фуқаролар ўртасида уларнинг ижтимоий ҳолати ва миллатидан қатъи назар тенглигини таъминлашга хизмат қилувчи идора бўлиши керак.

Президентимиз Фармонининг қучга кириши билан фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик бора-сидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлиги сезиларли даражада ортиши кўзда тутилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал нормалари Конституцияимизнинг 19-моддаси, яъни фуқароларнинг Конституция ва конунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч қим ҳақи эмас деб кўрсатилган нормаси ва халқроқ ҳуқуқнинг умум-мътироф этилган принциплари, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 8-моддаси ҳамда «Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар» тўғрисидаги Халқроқ Пактининг 9-моддасида таъкидланганидек, ҳар қандай ушланган ёки қамалган шахс белгиланган муддат ичида судга келтирилиши ва қамалишининг асосли эканлиги суд томонидан текширилиши керакли принципларига мос тушади.

Хулоса қилиб айтганда, инсоннинг фундаментал ҳуқуқлари дахлсиздир. Ижро ҳокимияти бу ҳуқуқларга риоя этилишини таъминлаш зарур. Суд инсонларни жазоловчи орган эмас, уларнинг ҳуқуқлари бузилишига чек қўювчи ҳокимият бўлиши даркор. Санкция ваколатини судларга олиб бериш эса инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишида амалга оширилган муҳим ислохотлардан бири ҳисобланади.

**Шухрат АБДУХАЛИМОВ, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси етакчи масъу-латчиси**

**ШАҲРИМИЗДАГИ «ПОЙТАХТ» МЕҲМОНХОНАСИДА ҲИНДИСТОННИНГ «БИОМЕДИКЕЙ» КОМПАНИЯСИ ТАШАБУСИ БИЛАН «ЎТКИР РЕСПИРАТОР ВИРУСЛИ ХАСТАЛИКЛАР ҲАМДА БРОНХ ВА ЎПКА КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ДОЛЗАР МУАММОЛАРИ» МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.**

## Анжуманлар

### ҲАМКОРЛИКДА ЯНГИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

Анжуманда Тошкент Тиббиёт академиясининг профессорлари О.Назаров, И.Каримов ҳамда доцент М.Эргашевлар ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Қизилкарли баҳс-мунозаралар остида ўтган конференцияда «Биомедикей» компанияси томонидан республикамизга олиб келинган ва ҳозирги кунда кенг миқёсда ишлатилаётган респиратор ва бронх-ўпка йўллари ҳамда ошқозон-ичак хасталикларидан фойдаланилаётган дори препаратлари хусусида фикр алмашинди.

— Айни кунларда,—дейди компания менежери Донохон Алашев,— компаниянинг 41 турдан ортик дори препаратлари республикамиз дорихоналарида мавжуд бўлиб, булар асаб, ошқозон-ичак, аллергия ҳамда камқонлик хасталикларини даволашда ишлатилади. Ҳозирда мазкур препаратлардан халқимиз сийхат-саломатлиги йўлида кенг фойдаланилмоқда. Қувонarli томони шундаки, компания «Фармед» хусусий қорхонаси билан ҳамкорликда 4 та дори препаратини ўзинида ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Булар камқонлик хасталигига қарши глобес капсуласи, ошқозон-ичак йўлларидаги яллиғланишга қарши омакс препарати, шунингдек замбуруғларга қарши фунгиқейр ҳамда шамоллаш ва гриппга қарши зероколд препаратларидир.

Шуни айтиш жоизки, компания ҳар йили республикамиз миқёсида ўтказилаётган дори-дармон кўргазмаларида, шунингдек, Республика Соғлиқни сақлаш вазирилик томонидан тасдиқланган ўтказилаётган илмий-амалий анжуманларда фаол иштирок этади ва ҳамisha ушбу таъбирлар бош хомийлигини ўз зиммасига олади.

Конференция ишида шаҳримизда фаолият кўрсатаётган болалар касалхона ва поликлиникалари шифокорлари, шаҳар ва туман сил касалликлари диспансерлари шифокорлари, шифокор алергологлар, пульмонологлар ва оилавий поликлиникалар умумамалиёт шифокорлари иштирок этишди.

Кутбиддин НИЗОМОВ,  
шифокор-аллерголог

# МОБИЛЬ АЛОҚА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МОБИЛЬ АЛОҚА АБОНЕНТЛАРИ СОНИ 6 МИЛЛИОНДАН ОШДИ.

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар салмоқли натижалар бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майда қабул қилинган "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармонида яқин келажакда ушбу мақсад йўлида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар аниқ белгилаб берилган. Бу эса миллий ахборот маконини ишончли ва муваффақиятли ташкил этиш имконини яратди. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат дастурларининг муваффақиятли рўйбга чиқарилиши бу борада муҳим ўрин тутди.

Бугун алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси замонавий технологиялар асосида жадал ривожланмоқда. Ҳозир республикамиз шаҳар ва туманлари марказларидаги барча тармоқлар рақамлаштирилган бўлиб, аҳоли, корхона, ташкилот ва муассасаларга юқори сифатли шаҳарлараро телефон алоқаси ҳамда маълумотлар узатиш хизматлари кўрсатишмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда, Интернетдан фойдаланувчилар сони ошиб бормоқда.

Мобиль алоқа компаниялари абонентлари тобора кўпаймоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда бешта — "МТС-Ўзбекистон" (Ўзундурбита, GSM стандарти), "Unitel" ("Билайн" савдо тамғаси остида хизмат кўрсатмоқда, GSM стандарти), "COSCOM" (GSM стандарти), "Perfectum Mobile" ("Rubicon Wireless Communication", CDMA стандарти) ва "Ўзбектелеком" акционерлик компаниясининг "Ўзбектелеком мобайл" филиали ("Uzmobile" савдо тамғаси, CDMA стандарти) мобиль алоқа операторлари фаолият кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда республикада мобиль алоқа тармоғининг фаол ривожланиши ва ундан фойдаланувчилар сонининг ўсиши кузатишмоқда.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги маълумотларига кўра, 2005 йилнинг ноябрида республикамизда мобиль алоқанинг дастабки бир миллион абоненти рўйхатга олинган бўлса, 2007 йил бошида уларнинг сони 2,7 миллион нафарга етди. 2007 йил давомида эса ушбу алоқадан фойдаланувчилар сони икки баравардан ошди ва йил охирида 5,8 миллион абонентни ташкил этди.

Мана, яна бир марра эгиланди: 2008 йил январининг биринчи ўн кунлигида Ўзбекистонда мобиль алоқа абонентлари сони 6 миллион нафардан ошди.

Ахборот алмашиш инфратузилмасини мобиль алоқа шаклида кенгайтириш, шубҳасиз, ишлаб чиқариш ва бошқарув муносабатларини такомиллаштириш, меҳнат унвондорлигини янги босқичга кўтариш, аҳоли учун янада қўлай турмуш шароитларини яратишга кўмаклашади.

**В. НИКОЛАЕВ,**  
**ЎЗА муҳбири**

Хар бир инсон тана вазнининг ўн учдан бир қисмига тўғри келадиган миқдордаги қонга эга бўлиб, эркаларда ўртача 5,5 литр, аёлларда эса 4,5 литр қон бор. Кўпчилик табибей тарихчиларнинг фикрича қонни даволоччи восита сифатида ишлатиш энг қадимий замонларга бориб тақалади. 1628 йилда Гарвей деган олим қоннинг томирларда ҳаракатланишини илмий ёритиб берган. Қон гуруҳларининг аниқланиши уни беморларга бехато ишлатиш ҳамда асоратларини олдини олиш мумкинлигини кўрсатади. Шу даврдан бошлаб қон қўйиш даволаш амалиётида кенг қўлланила бошланди. Ихтиёрий равишда қон берувчи киши донор деб аталади. Қон топиришни хоҳловчи киши соғлом бўлсагина донорликка рухсат берилади. Бунинг учун қон топирувчи одам мутахассис кўригидан ўтади ва унинг қон таҳлили ўрганиб чиқилади.

Ҳозирги даврда қон ва ундан олинган препаратлар тайёрлаш учун ишлатиладиган сунъий манба йўқ. Шунинг учун ҳам донорларнинг сони қанча кўп бўлса, қон ва унинг препаратлари ҳам етарли даражада бўлади. Бу эса минглаб беморлар ҳаётини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Ўтган йилги мамлакатимизда ўтказилган «Халқаро донорлик ойлари» натижасида беминнат қон донорлари 22500 нафарга етди. Олинган қон захираси 8246,5 литрни ташкил этди, бунинг оқибатида ўн бир мингдан ортиқ беморнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Шунга ҳам қайт этиш лозимки, кейинги йилларда донорлар сони анча камайиб кетган. Шу сабабли қўлаб табибий муассасаларда қон маҳсулотларининг етишмаслиги кузатишмоқда.

Аслида донорлик халқимиз феъл-атворида хос ҳислат, дейиш мумкин. Инсонпарварлик, қўлдан келганича яхшилик қилиш каби фазилатлар халқимизга қон билан кирган. Шундай савоб талаб кишиларимиз бўлишига қарамай, мамлакатимизнинг бугунги қон захираси атиги уч фоизни ташкил қилиб, у 61 тоннадан иборат. Аслида қон захираси 15 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Мамлакатимиз қон захирасини кўпайтириш мақсадида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, хар бир фуқарога до-

норлиқнинг аҳамиятини тушунириш борасида савий-ҳаракатлар олиб боришмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар Урта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси яхши ташаббус билан чиқди. Бошқарма ўз тасарруфидаги ўқув юрталарга мурожаат қилиб, ўқитувчи-ҳодимлар ўртасида бегараз донорликнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида кенг қамровли тушунириш ишлари олиб борилди.

## ИБРАТЛИ ТАШАББУС

**ИНСОН ТАНАСИДА КЕЧАЮ КҮНДҮЗ ОҚИБ ТУРУВЧИ ҚОННИНГ ҚИЙМАТИНИ ДУНЁДА ҲЕЧ НАРСА БИЛАН ТАҚҚОСЛАБ БЎЛМАЙДИ. ҚОН ЧИНДАН ҲАМ ЖОН КАБИ АЗИЗ НЕЪМАТДИР. ҚОН ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ БЕМОР ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ УЧУН МУҲИМ ВОСИТА БЎЛИБ, КЎПГИНА ХАСТАЛИКЛАРДА ИШЛАТИЛАДИ. АЙНИҚСА, ЭКСТРЕМАЛ (ФАВҚУЛОДДА) ҲОЛАТЛАРДА, ЯЪНИ ЖАРРОҲЛИК ОПЕРАЦИЯЛАРДА, ТУҒИШДАН КЕЙИН ҚОН КЕТИШДА, ТАБИИЙ ОФАТЛАР НАТИЖАСИДА ЮЗ БЕРГАН ШИКАСТЛИНИШЛАРДА, ОҒИР ДАРАЖАЛИ КАМҚОНЛИК, ОҚҚОН, САРАТОНДА ҚОН ВА УНДАН ТАЙЁРЛАНДИГАН ПРЕПАРАТЛАР НИҲОЯТДА ЗАРУРДИР.**

Бошқарманинг масъул ходимлари Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг «Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг мутахассислари билан ҳамкорликда ўқув юрталарида иктиёрий донорликни амалга ошириш ўлим билан олишиб ётган қўлаб беморларнинг оёққа туриши ва инсонлар ўлимнинг камайишига олиб келиши ва бунга ҳар бир соғлом одам ўз ҳиссасини қўшиши мумкинлиги ҳақида сўхбатлар ўтказилди.

Бошқарма ташаббусини биринчилардан бўлиб унинг ходимлари ҳамда Тошкент ахборот-технологиялари касб-хунар коллежининг ўқитувчи-ҳодимлари қўлаб-қувватладилар.

Белгиланган кун «Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг сайёр бригадаси қўлаб-қувватлаш учун махсус тайёрланган учта табибей хонасида иктиёрий, бегараз донорлар билан қон олиш жараёнини ўтказдилар. Биринчи бўлиб бошқарма бошлиғи, сўнгра бошқарма ҳамда коллежининг донор бўлиши мумкин ва унинг талабларига жавоб бера оладиган ходимлар ва педагоглар қон топиридилар.

—Тўғриси айтсам, —деди «Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг директори, олий тоифали шифокор Зухра Убайдуллаева, — қон топирувчиларнинг

сони шунчалик кўп бўлади, деб ўйланмаган эдик. Олиб боришга тарғибот-ташвиқот ишлари, бу борадаги фаолияти учун Тошкент шаҳар Урта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси раҳбариятига донорлик қонига муҳтож бўлган беморлар номидан миннатдорлик билдирмоқчиман.

Халқимизда яхши ташаббус, ҳайрли иш қанотли бўлади, ўз хайрихоҳларини тезда топади, деган гап бор. Бошқарма ҳамда

Тошкент ахборот-технологиялари касб-хунар коллежининг иктиёрий, бегараз донорлик борасидаги ташаббусини яна бир ўқув юрти—Тошкент Банк коллежининг ўқитувчи ходимлари қўлаб-қувватладилар. «Қон препаратлари» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг сайёр бригадаси коллеж ўқитувчи-ҳодимларининг донорлик талабларига тўла жавоб бера оладиганларнинг ҳар би-

рида Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги қонунга мувофиқ 200-400мл. дан қон олдилар.

—Қон топирувчиларнинг сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин эди,—дейди бошқарманинг масъул ходими Л.Аҳмедова.—Биз ўқув гуруҳларида ҳам тушунириш ишларини олиб бурганимизда, ўқувчиларимизнинг кўпчилиги ҳеч қандай иккилановчилик ва энг муҳими кимингидир ҳаётини сақлаб қолишга ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида донорлик қилишга рози бўлгандилар. Фақат уларнинг асосий қисми хали 18 ёшга тулмаган, бу эса донорлик шартига зид эканлиги уларни олижаноб мақсадларини амалга оширишларига монелик қилди.

Ҳа, тўрт мучаси соғ фуқароларимиз орасида донор бўлишни хоҳловчилар бўлса нақадар савоб ишга қўл урган бўладилар. Тошкент шаҳар Урта махсус, касб-хунар таълим бошқармаси ва унинг тасарруфидаги ўқув юрталарининг педагоглар жамоасининг ўтказган ақлиси ана шу савобли ишнинг ёрқин далилидир.

**Шавкат ЁҚУБОВ,**  
**Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармаси «Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси матбуот хизмати раҳбари**

## Сўраш, жавоб берамиз

### ТАЪСИРЧАН ВОСИТА

Давралардан биридаги сўхбат чоғида кулупнаининг ўзинга эмас, унинг (пўчоғи) думчаларни ҳамда бўлади, деб айтишди. Шу тўғрими?

**Муюссар Саъдуллаева,**  
**Шайхонтоғур тумани.**

### Шифокор А. Громова жавоб беради:

— Ҳа, тўғри. Сафрони ҳайдаш йўллари хасталикларда кулупнай думчалари яхши фойда қилиши аниқланган. Масалан, сафрон йўллари дискинезияси ёки сурналки холецистит билан оғриган беморлар ҳар кулупнай пишиқчилигида мевасини еб, думчаларини қуритиб, йиғиб қўйишса айнаи мудоаб бўлади.

Қуритиб қўйилган кулупнай думчаларидан чой тайёрлаб ичилади. Масалан, икки ош қошиқ кулупнай думчаларини ярим ош қошиқ қора хунд чойга аралаштириб, чой дамланади. Худди оддий чой каби хоҳлаганча бемезёр ичвериш мумкин.

Бундай чой сафрон йўллари тазолайдиган жуда таъсирчан восита ҳисобланади. Ўт пуфағи ва сафрон йўллари яллиғланишини нок билан даволаш мумкин: ҳар кун эрталаб наҳорга икки донадан нок истеъмол қилинади. Еввойи нокни қайнатиб, қантсиз компот тайёрлаб ичиш ҳам жуда фойдали. Бунда ҳам ҳеч қандай қечлашларга ҳожат йўқ — қўнглингиз тусанганча ичверишингиз мумкин.

### ФАРОЙИБ ТЕЛЕФОН БУДҚАЛАРИ

Японияда катта пиво бочкаси ичига жойлаштирилган телефон будқалари бўлиб, зарурат билан бирова кўнгирик қилиш билан бирга, маза қилиб муздек пиво ичишингиз мумкин, деган гапни эшитдим. Наҳотки шундай бўлса?..

**Файзи Турғунов,**  
**Соғир Раҳимов тумани.**

[www.xfile.ru](http://www.xfile.ru) интернет сайтидан олинган хабарга кўра, жуда ҳам унчалик эмас. Қўнчиқор мамлакатда бу ишшоотлар шундай қўрилганки, уларни диққатга сазовор жой сифатида томоша қиласиз. Чунки улар оддий ойнаванд каби налар бўлмай, гайридодий, баъзида эса, кишини чўнтақини даражада кўришчи ишшоотлар, дейиш мумкин.

Масалан, баъзи бир телефон будқалари жажжи бойўғилчани қўчоқлар турган каттақон яшил бойўғил шаклида бўлиб этилган. Қўшларнинг тумшуқлари ва тирноқларига олтин суви югуртирилган, қўшлари ёниб туради.

Яна бир бошқа телефон будқаси қор одамга ўхшаб кетади. У улкан муш паллахасини эслатади. Ҳақиқатта яқинроқ бўлиши учун будқа тепасига сунъий толень ҳам ўтказиб қўйилган.

Сиз айтгандай пиво ичишбозлари улкан пиво бочкаси ичига жойлаштирилган автомат телефондан кўнгирик қилишлари мумкин. Бундай конструкцияларнинг ягона камчилиги — у ерда пиво қўйиб узатилмаслигидир. Ҳар қалай, пиво бочкаси ичига киришингиз мумкин лекин қадақ кўнгирик қила олмасиз — пивони эса бошқа жойда ичишингизга тўғри келади.

### АСЛИМИ ЁКИ ҚАЛБАКИ НУСХАМИ?

Буюқ рассомлар асарларининг қалбаки нусхаларини тайёрлаб, алдаб катта пулга сотиш бир неча асрлардан бери қилларининг асосий қисми бўлиб келади. Лекин шу улғур рассомларнинг ўзлари ҳам қалбаки асарлар яратишганими?

**Назокат Файратқўжаева,**  
**Юнусобод тумани.**

«ЖИЗНЬ» газетасининг ёзишича, тарихда шундай ҳолатларга анча-мунча далиллар бор экан. Санъат асарларининг қалбаки ўхшашмалари коллекционерлар обрўсига қаттиқ путур етказди. Лекин, деб ёзади газетачи, медалнинг иккинчи томони ҳам бор.

Бу соҳада буюқ рассом Микеланжелонинг ўзи катта шухрат қозонган. У тарошлаб ясаган Кулидон хайкалчаси сунъий равишда эскиртирилиб, антик санъат намунаси сифатида тақдим этилган.

Буюқ дейиш жоиз бўлмаса ҳам камиди талантли рассомлар сифатида эътироф этилган қалбакилаштурувчи мутахассислар орасида Ван Меерген, Альго Доссен ва Дэвид Стайнлар ҳам бор эди.

Шундай экан, чинкам санъат асари нима-ю, қалбакиси нима ва уларни бир-бирдан қандай фарқлаш мумкин? Бу саволларга тўғри жавоб топиш осонмас...

### ПАРВОЗНИНГ ЯНГИ ҚОЙДАЛАРИ

Россия самолётларига суюқликларни олиб чиқиш ман этилармиш. Нега шундай ва бу тартиб қачон қўчга қиради?

**Зуфар Умаралиев,**  
**Мирзо Улғубек тумани.**

Россия транспорт вазирлиги матбуот хизматидадан хабар қилишларича, шундай қонун лойиҳаси аллақачонлари тайёрланган бўлиб, яқин орада қўчга кириши мумкин. У Россия барча авиакомпанияларининг ҳам икки, ҳам хорижий рейсларига дахлдор бўлади.

Самолёт бортига фақат 100 миллиграмм миқдорда суюқлик олиб чиқишга рухсат этилади. Қолган барча хил суюқликлар — геллар, пасталар, аэрозолларни шафқов пластик халтачаларга солиб, елимлаб ва муҳрлаб қўйиб, парвоз вақтида очмаслик керак.

Мазкур тартиб-қоида аэропортда сотиб олинган ичимликларга ҳам, пардоз-андоз буюмларига ҳам тегишли бўлади. Аслида бундай тартиб жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида амал қилиб келмоқда. Террорчилар самолёт бортига суюқликларни моддаларни олиб чиқишга уринганларидан кейин шундай тақиқлар қўчга киритилган.

### МУОМАЛА МАДАНИЯТИГА РИОЯ ҚИЛАЙЛИК

Баъзан ўзаро мулоқотдаги кишиларнинг бир-бирларини ҳақорат қила бошлашлари кишининг жияғига тегади. Баъзи бировлар эса, беодоб сўзларни қўйиб гапиришга одатланишган. Ахир бунга чидаб бўлмайди-ку?..

**Зулфия Шарипова,**  
**Чилонзор тумани.**

Ёшлар орасида атрофга эътибор қўлмай, сўқилиб гаплашиш ҳоллари учраб туради. Бу ҳолат, албатта, катталарни, айниқса ҳексаларни ранжитади. Бундай ҳолатга қарши турли мамлакатларда турлича кураш олиб борилади. Айтайлик, россиялик олимлар бунга қарши курашиш шарт, деб ҳисоблашмоқда, зеро, муомала маданиятига путур этиши кеңирилмас холдир, дейишадди улар.

Шу мақсадда <http://forum.unilans.ru> сайтида сўровлар ўтказилган. Нутқингизда сўқилиб аралаш гаплар бўладими, деган саволга қўйидагича жавоблар олинган: Ҳа, жуда кўп аралаштириб гапираман — 15,27% Ҳа, лекин бунга қарши курашишга ҳаракат қиламан — 24,02%

Урни келиб қолганда — 28,68% Камдан-кам бўлса-да, оғзимдан чиқиб кетиб қолади — 25,51%

Йўқ, ҳеч қачон бўлмайди — 6,52%

Ёшлар ўртасида одобсиз сўзларни аралаштириб гаплашишга чидайдиганлар улushi анча юқори бўлиб, 20 фоизни ташкил этган. Йигит-қизларнинг 7 фоизи сўқиниб гапириши қўндалик ҳаётнинг ажралмас қисми, деб ҳисоблашгани билдирган. Бундай номақбул ҳолат телекўрсатувларини олиб борувчилар нутқида, ҳатто ва рок-хончаларни ашуларига кириб қолаётгани, қон Катта театр савнасида янграй бошлагани тадқиқотчиларни ташвишлантирмоқда.

## ТАСМАЛАРДА ТАРИХ ШОҲИДЛИКЛАРИ

**ИНСОН ЎЗ ҲАЁТИ ДАВОМИДА ҲАР БИР КҮН, КЕРАК БЎЛСА, ҲАР ДАҚИҚАДАН УНУМЛИ ФЙДАЛАНИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ. ЯШАБ ЎТГАН УМРИ УНИНГ ЎТМИШИГА, ТАРИХИГА АЙЛИНИБ БОРАДИ ВА БАЪЗИДА УЛАР КЕЛГУСИ ҲАЁТИДА САВОҚ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЙТИ МАҲСУЛИ БЎЛИШИ ФОТО, КИНО АППАРАТЛАР, ОВОЗ ЁЗИШ ВОСИТАСИ (ФОНОГРАФ), ТЕЛЕАППАРАТЛАР ПАЙДО БЎЛГАНДАН СЎНГ ИНСОНИАТ УШБУ ВОСИТАЛАР ЁРДАМИДА БОРЛИҚНИ МУҲРАШНИ БОШЛАБ ЮБОРДИ.**

Инсон суратни ёки ҳужжатли фильмни томоша қилаётган ёки овоз ёзилган тасмаларни тинглаётган пайтда шубҳасиз воқеа, ҳодиса юз берган вазият, замон сурурини ҳис этади. Уша давр ҳаёти ва ҳолатини кўз олдида ўтказиш ҳамда айна сурат ёки фильмдан кўрган ва эшитган маълумотларни китоб ёки ёзма манбалар орқали олган ахборотдан кўра осон эслаб қолади ва хотирасида узок сақлайди.

Айна кино, сурат ва овозли тасмалар ҳам санъат асарлари саналади. Ҳозирда кино ва фотографиянинг шиддат билан ривожланиши ҳам уларнинг имкониятлари беқиёслиги билан изоҳланади.

Кино, сурат, овозли манбаларнинг фанга ва жамиятга мавҳум жиҳатлари кашф этилиб, инсоният ҳаёт тарзининг ажралмас қисмига айланиб улгурган.

Бугун бирон бир инсон йўқки, замонавий тараққийет маҳсули ҳисобланган техника ёки технологиялардан фойдаланмаган ёхуд оддийгина фотосуратга тушмаган бўлса. Шундай экан инсон ўзининг ўтмиши муҳрланган кино, фото, овозли манбаларни сақлашга эҳтиёж сезади. Албатта, ҳаёти давомида эътиборли, қувончли ҳамда аҳамиятли кунларни ва лаҳзаларни муҳрлайди. Умининг беэакли даврларини томоша қилиб бахтиёр дамларини ёдга олади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур манбаларни сақлаш алоҳида шароит ва эътибор талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий Давлат архиви мана шундай шарафли, қолавермас маъсулияти вазифани бажариб келмоқда. Ушбу муассаса ҳам ўз тарихига эга.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ҳудудида суратга олиш, кинематография ва овоз ёзиш техник воситаларининг тарқалиши муносабати билан янги турдаги манбалар пайдо бўла бошлади.

XIX асрнинг бошларида келиб мазкур ҳужжатлардан сиёсий ва ижтимоий, маданий мақсадларда фойдаланиш учун уларни бир жойда тўплаш ва сақлаш эҳтиёжи туғилди. Чунончи, ўша даврда бу турдаги манбаларнинг Европа мамлакатларида махсус архивларда сақланиши таъминланган эди.

Хусусан, 1921 йил бошларида ташкил этилган архивларда кўлэзма ҳужжатлар билан бирга

зоратсиз қолди. Бу ҳол Республика тарихига оид кўпгина ҳужжатларнинг йўқ бўлишига ёки уларга шикаст етишига сабаб бўлди.

II-жаҳон уруши йилларида архивлар ва уларнинг ходимлари ҳам жонбозлик кўрсатиб уруш тўғрисида турли кўргазмалар ташкил этдилар.

Шу ўринда 1943 йил 18 мартда Тошкент шаҳрида кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий Давлат архиви ташкил этилгани таъкидлаш жоиз. Бир йил ичида архив ходимлари томонидан архив сақловхонасига зарур ҳужжатларни аниқлаш ва уларни қабул қилиш бўйича услубий ишланмалар тайёрлаш ҳамда ҳужжатларни фондлар бўйича ҳисобга олишдан воз кечиш, сақлов бирлигига кўра рўйхатга олишга ўтилди.

Малакали мутахассис кадрларнинг етишмаслиги, архив ишининг марказлашган бошқарувдан иборатлиги муассаса фаолиятининг сустлашишига сабаб бўлди, оқибатда

1959 йил 5 июнда ушбу архив Марказий Давлат архиви тақибига киритилиб, кино, сурат ва овозли ҳужжатлар бўлимига айлантирилди. Бу ҳол сурат манбаларни сақлаш ишига анча зарар етказди, чунки ходимлар сонининг камлиги ва ўз фаолиятини амалга оширишда мустақил қарорлар қабул қилиш имкониятидан маҳрум бўлган эди.

1960 йилларда ҳукумат вакилларида иборат махсус комиссия томонидан амалга оширилган текширишлар натижасида архивни қайта ташкил этиш борасида бир қатор асосли ҳулосалар ёзилди. 1973 йил февралда Ўзбекистон ҳукумати томонидан «Республика архив ишини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги қарор

қабул қилиниб, унга асосан кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий Давлат архиви қайта тикланди. 1974 йил ушбу архив учун янги бино қуриб битказилди.

1974-90 йилларда архив фаолияти мураккаб ва қарам-қарши жараёнлар остида кечди. Бир томондан мазкур муассаса хизматларини ташкил этиш мустаҳкамлашиб, ҳ у ж ж а т л а р н и тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш соҳасида бир қатор самарали ишлар амалга оширилди. Иккинчи томондан архив фаолиятида ўша даврга хос ижтимоий-сиёсий ҳодисалар, архив ҳужжатларидан фойдаланиши чекловчи турли ки сиёсий чеклашлар салбий таъсирини кўрсатди. Архив моддий-техника базаси ҳам яхши бўлмай, моддий ёрдам кам ажратилар эди.

Истиклол шарофати билан архив соҳасини яхшилаш борасида ҳам бир қатор имкониятлар яратилди. Жумладан, сўнгги беш йил ичида архив янги техника воситалари билан жиҳозланиб, фаолият сифати тобора ошиб бормоқда. Мазкур манбалардан фойдаланувчилар сони хорижий тадқиқотчилар ҳисобига ҳам кенгаймоқда.

Аҳамиятли томони шундаки, архивда энг долзарб масалалардан бири — ҳужжатлар билан бутланмишга катта эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибида давлат муассасалари ҳамда фуқароларнинг шахсий архив фондларидаги кино, сурат ва овозли ҳужжатлар ҳисобига тўлдириб берилмоқда.

Ҳозирда кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий Давлат архиви сақловхонасида 17 мингга яқин кино, 20 мингдан ортиқ фото, 14 мингга яқин овозли ҳужжатлар сақланади. Энг қадимий фото манбалар 1867-1970 йилларга тегишли бўлиб, уларда республикамизнинг ижтимоий-маданий, сиёсий ҳаёти акс этган. Улар алоҳида сурат ёки махсус фотоальбом шаклида сақланмоқда, кино ҳужжатлар эса





МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Хикоят

Отам даври ёдимдадир доимо, Уни ёрлақаб, раҳмат этсин Худо.

Олиб берди ул, ёш эдим, мен учун Бир олтин узук, лавху дафтар у кун.

Биров битта хурмо бериб ногаҳон, Узукни олиб кўйди мендан шу он.

Бола билмагаким узук на эрур, Бериб битта қанд ҳар киши ҳам олур.

Гўдақларча сен ҳам умр қийматин, Билмай олишдинг, деса қанд ширин.

Разиллар билан бўлмагил ҳамтовок, Йўқ эрса тўкилгиси обрў биров.

Киши кўрса халқ коми ичра захар, Томоғидан ўтмайди шарбат-шакар.

Ярашмайди зийнатланиш шоҳ учун, Агар бўлса эл холи очу забун.

Ўзидан бурун ҳар ким эл роҳатин Агар кўзласа, унга минг офарин!

Кишилар гамини еган мардлар, Бўлиб қайғули, роҳатидан кечар.

Агар ётса шоҳ тахтида бохузур, Ишонмаки, эл ухлаб, ором олур.

Агар ухлამас шоҳ бутун тун аро, Эл ухлайди ором олиб доимо.

Қолур мансабу тахту мулкку чаман, Олиб кетмади гўрға ҳеч қайси тан.

Ибодат ўзи халққа хизмат қилиш, На тасбеҳда, на жойнамозда бу иш.

Дили поку хушхулку огоҳ бўл.

Садоқат, иродат билан боғла бел, Ёмон лофу қофдан мудом сақла тил.

Улуғлар диликим, мусаффо эди, Шу хислат уларда муҳайб эди.

Сира ўлмасам, деб ким айта олур, У кимдирки, дунёда ўлмай қолур.

Агар ҳар кишидан қолур мулкку мол, Ўзидан кейин бўлғуси поймол.

Агар ҳар киши элга эҳсон этар, Элидан мудом унга раҳмат етар.

Улуғ бўлса-ю, қолмаса яхши ном, Нишонсиз ўлиб кетди у, вассалом!

Ғарибларга берма азобу алам, Сени маҳв этар топса пайтин у ҳам.

Зулм бирла йиққунча олтин, ахир, Хазинангинг бўш қолгани яхшидир.

Чида зўр зулмига, эй нотавон, Бўлай десанг ундан кўра пахлавон.

Ғанимларни ҳиммат-ла енгмоқ зарур — Ки, ҳиммат қўли барчадан зўр эрур.

Заҳар кор этар қайда тарёқ йўқ.

Ақлли киши хохламас ҳеч қачон Элин ҳам ўзин жисмига бир зиён.

Мажолсиз касал ёнида бўлса гар, Киши соппа-соғ бўлса ҳам гам босар.

Агар банду зиндонда дўсти ётар, Киши қайда гулзор сайрин этар.

Бахилдан бўлак ким ўзин тўйғазар, Кишилар ёмон ҳолда, очдир агар?

Кўрарким, ғариблар ютар қон мудом, Шу инсофми, бойлар еса гар таом?

Касал боққан одамни сен дема соғ, У ҳам қайғу бирлан касалдир шу чоқ.

Борур гарчи манзилга дўстлар етиб, Утолмас кейин қолғувчиларни деб.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент Тиббиёт академияси жамоаси ва касаба уюшмаси терапевтик стоматология кафедрасининг мудури, профессор Х.Ф. Комиловага волида муҳтарамаси

Хосиятхон ая КОМИЛОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Тиббиёт академияси жамоаси ва касаба уюшмаси психиатрия ва тиббиёт психологияси кафедрасининг мудури, тиббиёт фанлари доктори, профессор Баҳодир Абдурахимович ТОШМАТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.



Олий ўқув юртларида

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ЙЎЛИДА

ТАЛАБА-ЁШЛАРГА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ БЕРИШДА ЎҚИТУВЧИ ВА УСТОЗ-МУРАБИЙЛАРНИНГ ЎЗЛАРИ МАЪНАВИЙ ВА ЖИСМОНИЙ ЖИХАТДАН БАРКАМОЛ, ИЛМИЛИ ҲАМДА ТАШАББУСКОР ЭКАНЛИКЛАРИ БИЛАН ЁШЛАРГА ЎРНАК БЎЛИШЛАРИ НУР УСТИГА АЪЛО НУРДИР. 2008 ЙИЛНИНГ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСЛАРИ БИЛАН «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ТАЪЛИМ МУАСССАЛАРИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА УСТОЗ-МУРАБИЙЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ КЕРАКЛИГИГА ЎЗИГА ХОС ДАЪВАТ БЎЛДИ.

Тошкент Давлат авиация институти ташаббуси билан пойтахтдаги олий таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари ўртасида педагогик ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, футболнинг оммавийлигини ошириш, жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш иш-

ларини янада ривожлантириш мақсадида Авиация институти кубоги учун мини-футбол бўйича мусобақалар ўтказилганлигини ҳам бугунги кун талабларига жавоб берадиган хайрли ташаббуслардан бири бўлди, десак янглишмаймиз.

Уч кун давомида олий ўқув юрти спорт мажмуаси-

нинг залида шахримиздаги олти олий ўқув юрти ўқитувчи-ҳодимларидан ташкил топган, икки гуруҳга бўлинган ҳолда куч синашган футбол жамоаларининг қизиқарли беллашувлари бўлиб ўтди. Гуруҳдаги учрашувларда ва финал беллашувида мurosасиз ҳамда шиддатли ўйин кўрсатган Мирзо Улуғбек номидида Ўзбекистон Миллий университетининг жамоаси турнир ғолиби бўлди ва Тошкент Давлат авиация институтининг кубогини қўлга киритди. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети жамоаси иккинчи, Тошкент темир йўл муҳандислари институти командаси учинчи ўринни эгаллади.

Тошкент Давлат авиация институти ташаббуси билан шу йилнинг 18-22 февраль кунлари шахримиз олий ўқув юртлари талабаларидан тузилган жамоалар ўртасида мини-футбол турнирини ўтказиш режалаштирилган.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТЛАРДА: турнирдан лавҳалар

“Тошкент оқшомии” саломатлик хизмати

ЎТКИР ШАМОЛЛАШДАН ҚУТУЛИШ МУОЛАЖАЛАРИ

Қаҳратон қишнинг чилласи ўз шиддатини намоян этмоқда. Айни шу кезлари шифокорлар кўп қўядиган ташхис — нафас йўлларининг ўткир шамоллаши (ўткир респиратор касаллик)лари кўпаяди. Бу ташхисда ҳаво-томчи аралаш йўл билан йўтувчи юқори нафас йўллари (бурун-ҳалқум, томоқ)нинг янглиғлини билан боғлиқ бир гуруҳ касалликлар тушунилади. Улар организмнинг турли хил вируслар ва бактерияларни юқтиришидан вужудга келади.

Юқори нафас йўлларининг ўткир янглиғлини доволашда энг аввало, бемор кўрпа-тўшак режимида ётиши керак бўлади, шунингдек, у тинч-осойишта ва иссиқ шaroитда муҳтож бўлади. Шифокорлар таъкидига кўра баъзан малинали чой ёки қизиқарли китоб ва иссиқ кўрпага ўралиб ётиш ҳар қандай антибиотикдан ҳам кўра ахшироқ таъсир қилади. Тиббиёт фанлари номзоди М.Миршарипов мавзунини қуйидагича давом эттиради:

— Ўткир шамоллашнинг кўп тарқалган аломати буруннинг қуриши, кўзнинг ёшланishi, бош оғриғи, ҳароратнинг кўтарилиши, тўшдаги ачишиш ва қуруқ йўталдан иборат бўлади. Бу ҳасталиқни таъсирчан доволашда уни имкон қадар эртароқ — бошланғич даврида аниқлаш ва муолажаларни вақтида баҳаршириш аҳамияти катта.

Шамоллашнинг илк аломатларини сезишингиз билан ҳаммом қилишингиз ўрнини ҳеч нарса боса олмайдди. Фин саунаси кекирдик ва бронхлар шиллик пардасини қуритиб юборади. Шунинг учун ўзимизнинг

ҳаммомимиз буғхонаси айни муддао бўлади. Буғхонадаги юқори ҳарорат, нам ҳаво эфир мойли ўсимликларнинг бактерияларга қирон келтирувчи кучи билан биргаликда касаллик қўзғатувчиларига ҳалокатли таъсир этади. Ҳаммом ўпақда қон айланишини яхшилайди, нафас йўллари кенгайтиради, бронх безлари секретциясига ҳамда балғамни йўтал билан чиқаришга ёрдам беради.

Ҳаммомнинг фойдаси деярли ҳаммага маълум. Лекин ушбу соғломлаштириш муолажаси вақтида ўзингизни қандай тутишингиз ҳақида баъзи бир қоидаларни эслатиш ўринли деб ҳисоблаймиз. Ҳаммомга кираркансиз, дарҳол унинг иссиқхонасига (буғхонасига) киришга ошмакдан. Дастлаб бир неча дақиқа илиқ душ остида туринг, кейин буғхонада ўн дақиқаларча ўтиринг, қизиқ олганингиздан сўн 20-30 дақиқа дам олинг.

Кейинги буғхонага кирганингизда териларингиз сув бўлиб оқа бошлаганда, ходимга массаж қилдириш жуда фойдали. Агар рус ҳаммомига тушсангиз, буғхонага қайин шохчаларидан ясалган чўпдаста билан кириш керак бўлади. Аввалига унинг барглари билан секин-секин танага, кейин эса, чўпдастанинг иккинчи томони билан бутун баданга уриб чиқиш керак. Сўнг тез-тез кўл-оёқларни узунасига чўпдаста билан тепадан-пастга ва пастдан-тепага уриб чиқиш лозим. Лекин зинҳор кураклар ва умурткаларга чўпдастан кўнданлағича уриш мумкин эмас. Муолажадан сўнг шошмай, тахтада бироз дам олиб, кейин ундан тушинг.

Ҳаммомдан олдин мармарак (шалфей),

ялғиз, жамбил, тошчўп, қизил пойча, эвкалипт барглари, қарағай қуртакларидан иборат гўблардан дамлама тайёрлаб олиш мақсада мувофиқ. Одатда турли таркибда икки-уч хил ўсимлик олинади. Ўсимликлар турли қисмларидан ҳосил қилинган аралашмадан 1 литр қайнаб турган сувга 4-6 қошиқ ҳисобида солиниб, иссиқ жойда бир неча соатга димлаб қўйилади. Тайёр бўлган дамламага тенг баравар сув қўшилиб, қизиқ турган мўрча тошига сепилади. Бу ишни бир неча бор такрорланади.

Мабодо, ҳаммомга боришинг иложи бўлмаса, уй шароитида 38-39 даража иссиқликдаги ваннани 10-30 дақиқа давомида қабул қилиш мумкин (ванна қабул қилиш мuddатини ҳар ким ўз аҳолидан келиб чиқиб белгилейди). Дастлаб 2 килограмм йирик туз ёки денгиз тузи ваннада эритилади.

Туз эриб бориши билан ваннага совуқ сув қўйиб, зарур ҳароратга эришилади. Ванна совиб қолмаслиги, бош ва қўллар чиқарилиши учун тешиқлар қолдириб, ваннани усти кўнма билан ёпилади. Ваннада ҳам ҳаммомга тавсия этилган дамламалардан фойдаланиш мумкин. Ваннадан сўнг артиниш керакмас. Узун маҳор халатга ўралиб, тўғри ўринга кириш керак бўлади.

Ҳар қандай ванна шифокор маслаҳати билан қабул қилинади. Мабодо, тана ҳароратингиз юқори ёки қон босимингиз баланд бўлса ёхуд юрак-қон томир тизимингизда бирон муаммо бўлса — ҳаммомга бориш ҳам, ванна қабул қилиш ҳам тавсия этилмайди.

Ўткир шамоллаш ҳасталиқларини вақти-

да ёки етарли даражада самарали доволашмай қолса, бу — кўпинча зотилжам ва менингит касалликлари сифатида асоратларга олиб келади. Юқори нафас йўлларининг ўткир шамоллашини оёқда юриб ўтказиш ҳам ноҳуш асоратлар юзга келишига сабаб бўлиши мумкин.

Агар ўткир шамоллаш ҳароратнинг кўтарилиши билан бирга кечадиган бўлса, бунда ҳам ҳароратни пасайтирувчи воситалар сифатида табиий дори воситаларидан фойдаланса бўлади:

\* Қора смородинанинг 2 ош қошиқ меваси ва 3 ош қошиқ баргларини бир литр қайнаб турган сувга солиб, термосда 2 соат сақлаб, ярим стакандан кунига 4-5 маҳал қабул қилиш керак.

\* Янги узилган оддий калина мевасини туйиб, тенг нисбатларда асал билан аралаштириб, шу аралашманинг бир стаканига бир дон лимон сувини қўшиб, аралаштириб, 1 ош қошиқдан оқватдан олдин кунига 3 маҳал истеъмол қилинади.

Тана иммунал барқарорлигини ошириш учун шифобахш гўблардан фойдаланиш яхши самара беради:

\* Қизилмиш илдизи, девясил илдизи (3 қисмдан), аччиқ-ширин итузум барглари, наъматак меваси, мажнунтол пўстлоғи (2 қисмдан), талха (саҳратки — 1 қисм) — ҳаммасини майдалаб, аралаштириб, 2 ош қошиғини 0,5 литр қайнаган сувга солиб, банкани 10 дақиқа давомида қайнатиб, дамламами доқадан қайнатиб, ярим стакандан кунига 3-4 маҳал оқватдан олдин ичилади.

\* Қизилқон ўти, брусника барглари, қора смородинанинг қуритилган меваси (2 қисмдан), лимонът, жамбил, тошчўп (2 қисмдан), ялғиз барглари (1 қисм) олиб, уларни аралаштириб қайнатиб, олдинги тавсиялар асосида сувини ичилади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Аукцион савдоларини ташкил қилиш агентлиги» МЧЖ, 2008 йил 15, 22, 29 февраль кунлари соат 12.00да Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй манзилда жойлашган «Ўзбекистон банклари ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига

қуйидаги автотранспорт воситасини қўймоқда:

«ShONCh» Банкларо сўғурта компанияси масъулияти чекланган жамиятига тегишли, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси 85-А-уй манзилда жойлашган «ShONCh» Банкларо сўғурта компанияси масъулияти чекланган жамиятининг Самарқанд шаҳридаги агентлиги ҳудудида сақланаётган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган ва давлат рақами 10АЕ805 бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 4 200 000 сўм.

Ушбу мулкни, мулк эгаси иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закатал пулини савдо ташкилотчисининг иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закатал пулларини қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар 138-69-94, 138-69-93.

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2008 йил 1 февраль кун соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани суд ижроичилари бўлими томонидан тақдим этилган

қуйидаги автотранспорт воситасини бошланғич баҳоси пасайган ҳолда қайтадан қўймоқда:

2006 йил 30 январдаги 1668/3-сонли ижро ҳужжатида асосан тақдим этилган Тошкент вилояти, Зангиота тумани ҳудудидаги «Эркин» жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами 11Т00-70 бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес-Бенц-212» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 15 139 200 сўм.

Ушбу мулкни суд ижроичилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закатал пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Аска» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минчи банкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закатал пулларини қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1. Тел: 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 10-0716/10378 сонли иш бўйича 2007 йил 30 октябрда қабул қилган ҳал қилув қарори ва мазкур суд апелляция инстанциясининг иш бўйича 2008 йил 3 январдаги қарорига кўра Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 19-уй манзилда жойлашган бино иккинчи қаватининг 560 кв.мни ташкил қилувчи қисмига бўлган «ТАКО Sales» масъулияти чекланган жамиятининг ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича Тошкент шаҳар ер ресурслари ва кадастр бошқармаси томонидан 2006 йилда берилган 5-67/2006 реестр рақамли бино ва 0403462092 кадастр рақамли ер кадастр ҳужжатлари бекор қилинади.

Мунажжим башорати

16 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

Мунажжимларимиз оғохлантиришларича, бугун инсонлар адашишлар, хомхўйликларга кўпроқ бериладиган кун ҳисобланиб, ўз истак ва фикрларингизни тартибга солишингиз керак бўлади. Она томонингиздан авлоддан-авлодга ўтиб келадиган анъаналарни эсланг.

Осмон жисмларининг самовий жойлашиши ишларингиз жуда секин юришаётганидан хавотирланмасликка даъват этади. Кишини аччиқлантирувчи ва қуошқондан чиқариб юборувчи омадсизликдан ҳаётлатга берилиш ва эсанкираб қолиш баъзи ҳолларда содир бўладиган воқеаларни қоралашда ўз ифодасини топади. Лекин бу жаҳлдан кўра кўпроқ самара бериши мумкин.

Шунинг учун ташвишга тушиб, ёмон фикрга борманг — улар тез орада ўтиб кетади. Шу кеча-кундуз давомида кўзгуда ўзингизни томоша қилишингиз тавсия этилмайди.

Астма (нафас қисими) билан оғриган беморлар алоҳида эътиборли бўлишлари керак. Оқватдан захарланиш хавфи мавжуд. Спиртли ичимликлардан ўзингизни тортанингиз маъқул. Аллергия хуружларидан эҳтиёт бўлинг. Нафас йўллари хасталиқлари зўрайиши эҳтимоли бор. Оғиз бўлишида жарроҳлик операцияларидан тийилиш тавсия этилади.

Тушларингиз моддий барқарорликка эришиш учун қайси ишда айнақса эҳтиёткор бўлишингиз лозимлигига ишора қилади. Бир ҳафта мубоайнда кўрган тушларингиз ўнгингизда содир бўлиши мумкин.



— Биродар, сигаретимни тутатиб олай. Абдурашул Ҳакимов чизган расм.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г-07

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3960 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашрийт-матбуот акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.